

## «ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2024 йил 25 март

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2023 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 25 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1824294 овозга эга 5 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Ш.Шамансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари

Т.К.Камолов – Кузатув кенгаши аъзоси

А.К.Холжигитов – «Олой дехқон бозори» АЖ директори .

Реестр бўйича акциядорлар сони 1040 та. 1849174 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамми акциядор 5 та акциядор, 1824294 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 98.6 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари Ш.Ш.Шамансуров юборилган.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 98.6 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, М.Ш.Каримова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

### Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2022-2023 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
9. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси тушинтириш бериб йиғилиш санок хайъатига куйидаги ходимларни сайланишини таклиф этди.

М.Каримова, Ш.Юсупова ва Д.Азизовалар

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича мажлис раиси тушинтириш бериб, йиғилиш регламентини куйидагича таклиф этди:

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи киритилди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича мажлис раиси сўзни жамият директори А.К.Холжигитовга берди.

А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, «Олой дехқон бозори» АЖ нинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум қилди:

2023 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтиб, жумладан 2023 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 5555804,0 минг сўм бўлган, амалда 6117793,0 минг сўмга ёки 561989,0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 4572732,0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 4634849,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 62116,0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда 661405,0 минг сўмга бажарилганлигини маълум қилди.

Жамият директори А.К.Холжигитов ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сонли қарорида «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2023 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 407,2 % ташкил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, ўрта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятнинг 2023 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2023 йил 30 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида дастлабки тарзда маъқулланди, тасдиқлаш учун 2024 йил 25 мартдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашга бериб борилди. 2023 йил мобайнида "Олой дехқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларини таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси М.Шоймардоновга хисобот берди.

М.Шоймардонов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги “AUDIT-WON” аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош мухосиб М.Шоймардонов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.Шоймардонов сўзга чиқиб, 2023 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори « AUDIT-WON» аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича олинган 661405,0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

Норматив ҳужжат сифатида Адлия вазирлигидан 1209-сон рақам билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бугунги кундаги Иқтисодият ва молия вазирлиги) 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари (7-илова) 62-бандида “«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (450-сатр) моддаси ҳисоби бўйича тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи ҳисобларида (8700) юритиладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари)да акс эттирилади” деб белгилаб қўйилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”нинг (рўйхат рақами 1181, 2022 йил 23 октябр) 361-банди 2 хатбошисида “Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетида 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади” деб кўрсатилганлиги, бундан ташқари ушбу йўриқноманинг:

362 бандида. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар (8700)нинг бошқа счётлар билан боғланиши кўрсатилган бўлиб,

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	ҳисобот даврида аниқланган якуний молиявий натижа тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётига ўтказилди: фойда суммаси зарар суммаси	9910	8710
		8710	9910

Шундан келиб чиқиб, ушбу нормативлар ва унда келтирилган ўтказмалар намуналари асосида “Олой деҳқон бозори” АЖнинг бухгалтерияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Адлия вазирлигидан 2000 йил 3 июлдаги 942-сон рақам билан норматив ҳужжат сифатида давлат рўйхатидан ўтган йўриқнома асосида 2022 йил ва 2023 йилда олинган соф фойдаларни ушбу нормативлар асосида аввалги йиллардаги зарарни қоплашга **тўлиқ йўналтирилганлигини, бунга операциялар инсон омилсиз бўлганлигини маълум қилди.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Адлия вазирлигидан 2000 йил 3 июлдаги 942-сон рақам рўйхатга олинган йўриқномасининг 4 бандида йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **15 февралидан** кечиктирмай топшириши белгиланганлигини, юқоридаги провоткалар инсон омилсиз бўлганлигини маълум қилди, яъни 2022 йил Ф-2 шакл, 270 сатрда кўрсатилган 285.285,0 минг сўм соф

фойда ва 2023 йил Ф-2, 270 сатрда кўрсатилган 661405,0 минг сўм аввалги йилларни қоплашга йўналтирилганлигини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият директори А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, 2024 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2024 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича раислик қилувчи Т.К.Камолов сўзга чиқиб қуйидагилани айтиб ўтди:

- 2022 йил 24 март куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Холжигитов Абдумўмин Кадилович сайлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида хурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2023 йилда ижобий кўрсаткичларга эришгани;

- 2023 йил 23 март куни ўтказилган жамият акциядорлари умумий йиғилишида жамият директори А.К.Холжигитов қайта сайлангани ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси имзолангани ва меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инobatга олиниб шартнома уч йил муддатга тузилиши, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган иштирокчи умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши кўрсатилгани;

- Жамият директори А.К.Холжигитов 2023 йилда ижобий натижаларга эришганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолати яхши эканлиги, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берган ҳисоботларининг даврийлиги ижобий бўлганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги таклифини киритди.

- Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, 2024 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси М.Каримова сўзга чиқиб, “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(“FTF-LEA-AUDIT” МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтди:

1. “REAL AUDIT INVEST” МЧЖ - 8000000 сўм,
2. “AMULET AUDIT” МЧЖ - 14000000 сўм.
3. “FORENSIK-AUDIT” МЧЖ 12000000 сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамиятнинг ходимлари менеждери Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2023 йил 23 мартдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси М.Каримова ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

<p><b>1-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>2-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>3-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>4-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>5-масала</b> Ўқлаган 1824294–0,0% Бетараф 8 – 0,52% Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>6-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>7-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>		<p><b>8-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>9-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)</b> 1. Бойсинов Жасур Хасанович 1824294 та овоз, 2. Расулов Камолитдин Раимбердиевич 1824294та овоз 3. Камолов Толмас Каримович 1824294 та овоз, 4. Шамансуров Шоаббор Шамахкамович 1824294 та овоз 5. Раззаков Аҳад Анварович 1824294 та овоз 6. Алимов Иномжон сандуқулович 1824294 та овоз 7. Каримов Малик Рахимович 1824294 та овоз, 8. Каримов Сардор Юлдашбаевич 1824294 та овоз 9. Шерова Дилдора Нурдиновна 1824294 та овоз 10. Мухамедова Холиниса Хожибоевна 0 та овоз</p>		
<p><b>10-масала</b> Ўқлаган 1824294–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>11-масала</b> 1. REAL AUDIT INVEST МЧЖ 8000,0 минг сўм Ўқлаган 1824294–100%, Бетараф 0 – 0,0%, қарши 0- 0,0 % 2. “AMULET AUDIT” МЧЖ - 14000.0 минг . Ўқлаган 0–0,0%, Бетараф 0 – 0%, қарши 1824294- 100 %</p>	

3. "FORENSIK-AUDIT" МЧЖ -12000.0 минг . Ёклаган 0-0,0%, Бетараф 0 – 0%, қарши 1824294- 100 %
<b>12-масала</b> Ёклаган 1824294-100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок комиссияси баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

## КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

**1. Кун тартибидаги 1 масала бўйича:** “Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш”.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёклаган 1824294-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

Йиғилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) М.Каримова, 2) Ш.Юсупова ва 3) Д.Азизова

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:** Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

Ёклаган 1824294-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин;

Ёклаган 1824294-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

**3. «Олой дехқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин.** (ёклаган 1824294 та овоз –100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

**4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин.** (ёклаган 1824294 та овоз – 100%, қарши-йўқ,бетараф –йўқ).

**5. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти якуни бўйича йиллик хисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин.** (ёклаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

**6. Жамиятнинг 2022-2023 йил якуни бўйича кўрилган соф фойдасини тақсимланиши тасдиқлансин, яъни Адлия вазирлигидан 1209-сон рақам билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бугунги кундаги Иқтисодият ва молия вазирлиги) 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакларини тўлдириш қоидаларига мувофиқ 2022-2023 йилларда олинган 285285,0 минг сўм ва 661405,2 минг сўм соф фойдалар аввалги йиллардаги зарарни қоплашга йўналтирилсин.**

**7. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.** Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёклаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

**8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори А.К.Холжигитов билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инobatга олинсин ва унинг 2023 йил фаолияти ижобий бўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин** (Ёклаган 1824294 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

**8.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти “Oloy dehqon bozori” AJ**

самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

9 Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

9.1. Расулов Камолиддин Раимбердиевич (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294 - та овоз

9.2. Бойсинов Жасур Хасанович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294 - та овоз .

9.3. Алимов Иномжон Саидкулович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294 -та овоз

9.4. Каримов Малик Рахимович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294- та овоз

9.5. Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294 -та овоз

9.6. Камолов Толмас Каримович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294 - та овоз

9.7. Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294- та овоз

9.8. Каримов Сардор Юлдашбаевич (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори хокимият вакили) 1824294- та овоз


9.9. Шерова Дилдора Нурдиновна (Мустакил аъзо) 1824294 - та овоз

10. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун ташки аудитор “REAL AUDIT INVEST” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 8000,0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгаришлар маъқуллансин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Йиғилиш раиси



Т.К.Камолов

Котиб



М.Каримова

Баённома имзоланган сана: 04 апрель 2024 йил.